

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАРОТОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Баротов Жамшид Сайфуллаевич

Темир йўл транспортида етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда
юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш..... 4

Баротов Жамшид Сайфуллаевич

Совершенствование технологии организации грузовых перевозок с
учетом срока доставки на железнодорожном транспорте 21

Barotov Jamshid Sayfullaevich

Improvement of the technology of organizing freight traffic, taking into
account the delivery time in railway transport 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАРОТОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1209 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация тошкент давлат транспорт университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаши веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва "Ziyouct" Ахборот таълим порталиди (www.ziyouct.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қобулов Жамшид Ренатович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Арипов Назиржан Мукарарович
техника фанлари доктори, профессор

Маҳкамов Нурмухаммад Янгибоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил «17» 10 соат 13:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (014 рақами билан рўйхатга олинган).
(Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66)

Диссертация автореферати 2020 йил «09» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «09» 10 даги 015 рақамли ресстр баённомаси).



А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
ишчи катта раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
ишчи катта илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаши қониндаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон транспорт тармогида кўшимча юк оқимларини жалб этиш, юкларни манзилига белгиланган вақтда уларнинг бутлигини сақлаган ҳолда етказиб бериш тезлигини ошириш, юк ташиш технологиясини такомиллаштириш ҳамда транспорт хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россия каби мамлакатларнинг транспорт магистрал ва маҳаллий тармоқларида юкларни ўз муддатида етказиб беришга таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олган ҳолда ташиш технологиясини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқишга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан темир йўл транспортида юкларни ташиш бўйича халқ хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондириш, ташиш жараёнида вагонлар айланишини жадаллаштириш ва юкланган вагоннинг йўл давомида меъёрдан ортик туриб қолишларини назорат қилиш технологиясини такомиллаштириш ҳамда станцияларда бажариладиган операцияларга сарфланадиган вақт ва юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дунёда темир йўл участка ва йўналишларида юк ташиш технологик жараёнларини ташкил этиш ва транспорт хизматларини ривожлантириш, юкларни етказиб бериш муддатларини таҳлил ва назорат қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан темир йўл транспорти орқали юкларни етказиб бериш муддатларига таъсир кўрсатадиган шартли-ўзгармас ва тасодифий омилларни тизимлаштириш ҳамда вагонлар билан йўл давомида бажариладиган барча операцияларга сарфланадиган вақтларни меъёрлаш асосида юкларни ташиш жараёнини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш, инфратузилма техник жиҳозланганлигини инобатга олувчи юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашга доир дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, вагонлар билан бажариладиган технологик амаллар орасидаги туриб қолиш вақтларини ўз вақтида ва асосли қисқартириш учун математик статистика усуллари асосида вагонлар суткалик юриш вақтининг ташиш масофасига боғлиқлик математик моделини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда транспорт тизимларини ривожлантириш, жумладан темир йўл транспорти экспорт-импорт салоҳияти ва жозибадорлигини оширишга имкон берувчи юкларни ташиш жараёнларини ташкил этиш технологияларини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида булардан ташқари, "...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда ресурслар сарфини қисқартириш, ... ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни

кенг татбиқ этиш, ... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек уларни модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш...”¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, темир йўл транспорти юк ташиш тизимида вагоннинг суткалик босиб ўтган масофасини асослаш учун станцияларда вагонлар билан бажариладиган барча операциялар давомийлигини режали ҳисобга олиш асосида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни (1999 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармонлари, 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларга транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ташқи савдо йўналишларида юк ташиш маршрутларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик”, ИТД-3 – “Энергетика, энергия, ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” каби устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспорти етказиб бериш занжирида вагонлар билан бажариладиган барча операцияларга сарфланадиган вақт қийматларини меъёрлаш ва ташиш жараёни технологиясини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларида, жумладан: University of Texas at Austin (АҚШ), Tokyo University of Science (Япония), Technische Universität Berlin (Германия), Manchester Institute of Science and Technology (Буюк Британия), Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Украина давлат темир йўл транспорт университети (Украина), Тошкент давлат транспорт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Темир йўл транспортда эксплуатация ишларини такомиллаштириш ва ташиш жараёнида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаштириш усулини ишлаб чиқиш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан В.М. Акулиничев, Аунг Хейн Зо, М.И. Арпабеков, В.А. Болотин,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

А.П. Батури, Л.С. Жарикова, В.А. Кудрявцев, И.Н. Шапкин, R. Watson, T. Shedd, E.M. Engel ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юртимизда қатор олимлар темир йўл транспортида юкларни ташиш технологиясини такомиллаштириш ва юк ташиш кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар билан шугулланганлар. Жумладан Р.З. Нурмухамедов, С.М. Джумабаев, К.Т. Худайберганов, Н.Н. Ибрагимов, Э.Т. Тўйчиев, О.С. Турдиматов, М.Х. Расулов, Ж.Р. Қобулов, К.А. Жўрабоев, Ш.М. Суюнбаев, Д.И. Илесалиев, Д.Б. Бутунов, Ш.Ш. Камалетдинов ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар. Бирок, юкни темир йўл транспорти орқали ташишни ташкил этиш технологик жараёнлари ва етказиб бериш муддатини меъёрлаш усулини такомиллаштириш бўйича кўп йиллар давомида бажарилиб келинган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг етарли эмаслигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, юкларни етказиб бериш занжирида вагонлар билан бажариладиган операцияларга сарфланадиган технологик вақт меъёрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЁБВ-Атех-2018-223-сонли “Идиш-донали юкларни пакетлаб ташишни ташкил этиш усули” ва ЁО-А3-001-сонли “Транспорт машинасозлиги учун авария тикловчи автотрисаларнинг механик усулларини ва қисмларини динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш” ёш олимлар давлат грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддати бажарилишига кўйиладиган ҳуқуқий талаблар асосида юк ташишни ташкил қилишнинг такомиллаштирилган технологиясини қўллаш заруратини асослаш;

темир йўл транспорти орқали юкларни етказиб бериш жараёнида вагонлар билан бажариладиган барча операцияларга сарфланадиган технологик вақт меъёрларини аниқлаш усулларини тадқиқ қилиш;

вагонни тушириш станциясига етказиб бериш вақтини ҳисоблашга доир алгоритм ва дастурий таъминотлар яратиш асосида юкларни етказиб бериш технологиясини ташкил этишнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш усулларини такомиллаштириш ва уларни амалий татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юк вагонлари билан технологик операциялар бажариладиган станциялар ва уларни боғловчи темир йўл участкалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида темир йўл транспортида юкларни етказиб беришга доир юк ташиш тизими ва технологик жараёнларининг параметрларини таҳлил қилиш, башоратлаш ва меъёрлаш усуллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида эҳтимоллар назарияси, тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, математик статистика, алгебраик тўлдирувчи ва минорлар усули ҳамда алгоритмлар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

темир йўл транспортида юк ташиш технологиясини самарали ташкил этиш учун станцияларда вагонлар билан бажариладиган барча операциялар давомийлигини ҳисобга олиш асосида йўл давомида поездларни қайта ишлашга сарфланадиган технологик вақтларни аниқлаш усули такомиллаштирилган;

алгебрик тўлдирувчи ва минорлар усуллари асосида юкланган вагоннинг йўл давомида сарфлаган вақтларини тўғри аниқлаш учун юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш модели яратилган;

темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усулини такомиллаштириш учун унга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиш асосида вагонли жўнатмалар суткалик юриш вақтининг ташиш масофасига боғлиқлик математик модели ишлаб чиқилган;

юк ташиш тизимида вагонли жўнатмаларнинг суткалик босиб ўтган масофасини асослаш учун нормал тақсимот қонуни асосида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

юкларни етказиб бериш муддатини аниқлашдаги нотўғри ечимларнинг олдини олиш учун вагонлар билан бажариладиган барча операциялар кетма-кетлигини инобатга олувчи технологик схема ишлаб чиқилган;

темир йўл транспорти рақобатбардошлигини ошириш ва фойдаланувчиларга самарали транспорт хизматларини кўрсатиш учун алоҳида ташиш жараёни технологиясини ҳисобга олган ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашнинг алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган тадқиқотда замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, математик статистика қонунлари асосида назарий тадқиқотлар олиб борилганлиги, ишлаб чиқилган математик модел ва дастурлар асосида олинган юкларни етказиб бериш муддатлари бажарилишига доир ҳисобий кийматларнинг амалиёт маълумотлари билан мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл транспорти ташиш жараёнига таъсир кўрсатадиган шартли-ўзгармас ва тасодифий омилларни тизимлаштириш асосида поездларни қайта ишлашга сарфланадиган технологик вақтларни ва юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш

усулларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темир йўл транспортида юкларни белгиланган муддатда етказиб бериш ишончлилигини ошириш, темир йўл станция ва участкаларининг техник жиҳозланганлигидан келиб чикиб вагоннинг тушириш станциясига етиб бориш вақтини етарли аниқлик даражасида башоратлаш имконияти яратилганлиги, темир йўл томонидан вагонлар кечикиб келганлиги оқибатида юк эгаларига қайтариб бериладиган маблағларни камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

йўл давомида поездларни қайта ишлашга сарфланадиган технологик вақтларни аниқлаш усули “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан темир йўл транспортида юк ташиш технологиясини самарали ташкил этиш учун жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 13 августдаги 01/2767-20-сон маълумотномаси). Натижада, темир йўл орқали юкларни етказиб беришда вагонларнинг туриб қолиш вақтларини камайтириш бўйича режалаштирилган тадбирларни ўз вақтида ва асосли тарзда ишлаб чиқиш имкони яратилган;

вагонли жўнатмалар суткалик юриш вақтининг ташиш масофасига боғлиқлик математик модели “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш учун жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 13 августдаги 01/2767-20-сон маълумотномаси). Натижада, темир йўл инфратузилмасининг техник жиҳозланганлигидан келиб чиққан ҳолда вагоннинг темир йўл станциясига етиб бориш вақтини етарли аниқлик даражасида башоратлаш имкони яратилган;

юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш модели ва уни меъёрлаш технологияси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан юк ташиш тизимида вагонли жўнатмаларнинг суткалик босиб ўтган масофасини асослаш учун жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 13 августдаги 01/2767-20-сон маълумотномаси). Натижада, темир йўл томонидан мижозларга юкларни кечиктириб етказиб бериш билан боғлиқ жарима тўлаш харажатларини камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 2 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та дастурий таъминот учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланиб, унинг объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Темир йўл транспортида юк ташиш жараёнини ташкил қилишнинг ҳозирги кундаги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида темир йўл транспортида юкларни етказиб беришнинг ривожланиш босқичлари, юк ташиш технологиясини такомиллаштиришга доир маҳаллий ва хорижий илмий ишлар таҳлили ҳамда **“ЎТЙ”** АЖда юкларни етказиб бериш муддатларини бажарилиш ҳолати тадқиқ қилинган.

Қатор темир йўлларнинг статистик маълумотлари ва ушбу соҳада бажарилган ишлар таҳлили бугунги кунда темир йўл транспортида юк ташишлари етарли даражада самарадорлик билан ташкил этилмаётганлигини кўрсатган. Бунинг асосий сабабларидан бири – юкни етказиб бериш жараёнида юкланган вагон аксарият вақтини участкада ҳаракатланишига эмас, юк ортилган станция ёки қайта ишланадиган станцияларда туришга сарфлаётганида эканлиги аниқланган.

Юкланган вагоннинг юкни ўз манзилига етказишга сарфлаган вақт кўрсаткичи 2 турга бўлиб ўрганилган: вагонларни участкада ҳаракатланишига сарфланадиган вақт ва бошқа турдаги операцияларга сарфланадиган вақт. **“ЎТЙ”** АЖда ушбу кўрсаткич мос равишда 13% ва 87% ни ташкил этиши аниқланган. Ушбу кўрсаткичнинг бошқа давлатлардаги ҳолати ҳам таҳлил қилинган. Масалан, Францияда юкланган вагон участкада ҳаракатланишига 26% ва бошқа турдаги операцияларга 74% сарфласа, АҚШда бу кўрсаткичи мос равишда 40% ва 60% ни ташкил этиши аниқланган (1-жадвал).

Ҳозирги кунда келгуси давр учун юкни етказиб бериш тезлигининг меъёри жамоавий келишув асосида амалга оширилади ва у бугунги кунда 330 км/суткани ташкил этади. Аммо, **“ЎТЙ”** АЖда 2019 йил яқунларига кўра юкни етказиб бериш тезлиги 175 км/суткани ташкил этган.

“ЎТЙ” АЖда юкланган вагон аксарият вақтини ҳаракатланишга сарфламаслиги нафақат юкни етказиб бериш тезлигининг пасайишига, балки темир йўл томонидан юкни ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун юк эгасига тўланадиган жарималарнинг ошишига олиб келганлиги аниқланди. Масалан, 2019 йилда юкни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун келиб

тушган даъволарнинг умумий қиймати 1,82 млрд. сўмни, бундан суд орқали юк эгаси фойдасига ундирилган маблаг 0,64 млрд. сўмни ташкил этган (1-расм).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда юкланган вагоннинг юкни ўз манзилига етказишга сарфлаган вақтлари улуши

Давлатлар	Участкада ҳаракатланишга сарфланадиган вақт улуши, %	Бошқа турдаги операцияларга сарфланадиган вақт улуши, %
Ўзбекистон (“ЎТЙ” АЖ)	13	87
АҚШ (Norfolk Southern)	40	60
Россия (ОАО “РЖД”)	17	83
Германия (Deutsche Bahn)	37	63
Франция (SNCF)	26	74

Юкларни белгиланган муддатда ўз манзилига етказиб бериш темир йўлларнинг ташиш шартномасини бажариш бўйича асосий вазифаларидан бири бўлиб, унинг бажарилмаслиги темир йўл хизматларидан фойдаланувчилар олдидаги транспорт хизматлари сифатига катта таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар юкларни етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш заруратини кўрсатган.

Диссертациянинг “Темир йўл транспортида юкларни етказиб беришдаги вақт кўрсаткичларини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобда темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаштириш масалалари таҳлил қилинган, етказиш муддатига таъсир этувчи технологик омиллар аниқланган, юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш ва йўл давомида вагонлар билан бажариладиган операцияларга сарфланадиган технологик вақт меъёрларини аниқлаш усуллари тадқиқ этилган.

“ЎТЙ” АЖда ҳозирги кунга қадар юкларни белгиланган манзилига етказиб бериш муддатини аниқлашнинг илмий асосланган усуллари мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу ўз навбатида, бозор иқтисодиётининг замонавий



1-расм. Юкларни белгиланган муддатда етказиб бермаслик оқибатида “ЎТЙ” АЖга келиб тушган даъволар таҳлили

талабларига жавоб берувчи ва темир йўл транспортида ташиш жараёнидаги барча технологик операцияларнинг давомийлигини ҳисобга олувчи юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш заруратига асослаган.

Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашда йўл давомида вагонлар билан бажариладиган технологик операциялар орасидаги кутишларга сарфланадиган вақтларни ҳисобга олиш усули оптималлаштирилган. Бунинг учун юкларни етказиб беришга таъсир этувчи омиллар Исикава схемаси асосида аниқланган ва улар 4 та гуруҳга бирлаштирилиб, тизимлаштирилган (2-расм).



2-расм. Юкларни етказиб бериш муддатига таъсир кўрсатувчи омилларни Исикава схемаси орқали аниқлаш натижалари

Юкларни етказиб бериш муддатини аниқлашнинг амалдаги технологик схемаси таҳлил қилинган. Натижада вагонлар билан техник станцияларда бажариладиган технологик амалларга сарфланадиган вақтлар давомийлиги алоҳида деталлаштирилган тартибда келтирилмаганлиги аниқланган. Булар, ўз навбатида, вагонлар билан бажариладиган технологик операциялар орасидаги кутиб қолиш вақтлари миқдорини аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермаслиги кўрсатилган.

Юкларни етказиб бериш муддатини аниқлашда нотўғри ечимларнинг олдини олиш учун вагонлар билан бажариладиган барча операциялар кетма-

кетлигини инобатга олувчи технологик схема ишлаб чиқилган. Ушбу технологик схема станцияларда вагонлар билан бажариладиган барча операциялар давомийлигини ҳисобга олиш асосида поездларни қайта ишлашга сарфланадиган технологик вақтларни аниқлаш имконини берган.

Станцияларда вагонлар билан бажариладиган барча операциялар давомийлигига таъсир этувчи тасодифий омилларни ҳисобга олиш мақсадида технологик операциялар учун белгиланган вақт меъёрининг ўзгариши вариация интервал коэффициентлари асосида тадқиқ қилинган ҳамда ушбу вариация коэффициентларининг қийматлари “ЎТЙ” АЖ шароити учун аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Технологик операциялар орасидаги вариация интервал коэффициентлари

№т/р	Интервал турлари	Вариация коэффициенти:	
		шартли белгиси	қиймати
1	Поездларни қабул қилиш	$v_{кп}$	0,6...0,7
2	Қабул қилиш ва жўнатиш паркида таркибни техник кўриқдан ўтказиш	$v_{тех.тиж}$	0,35...0,45
3	Таркибни саралаш тепалиги орқали тарқатиш	$v_{тепа}$	0,3...0,4
4	Таркибни тортув йўли орқали тарқатиш	$v_{тор}$	0,4...0,5
5	Поездларни тузишни тугаллаш	$v_{туз.туг}$	0,4...0,45
6	Таркибни техник кўриқдан ўтказгандан сўнг локомотив билан таъминлаш	$v_{лок}$	0,6...1,0
7	Поездларни жўнатиш	$v_{жўн}$	0,5...0,6

Юкларни етказиб бериш муддатини аниқланган вариация коэффициентлари асосида меъёрлаш вагонларнинг туриб қолишга сарфланадиган вақтини ҳисобга олиш имконини яратган.

Диссертациянинг “**Юкларни етказиб бериш муддатларини аниқлаш усулини математик ифодалаш ва уни меъёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган учинчи бобида вагонли жўнатманинг етказиб бериш муддатларинг бажарилиш кўрсаткичлари математик статистика усулида қайта ишланган, алгебраик тўлдирувчи ва минорлар усули асосида юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш модели яратилган, юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усули такомиллаштирилган, темир йўл транспорти орқали юкларни етказиб бериш муддатини аниқлашга доир алгоритм ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Юк вагонларини “ўз муддатида” етказишга таъсир этувчи омиллар 2 турга бўлинган: шартли-ўзгармас ва тасодифий омиллар. Бунда шартли-ўзгармас омиллар сифатида вагонлар билан йўл давомида бажариладиган технологик амаллар, тасодифий омиллар сифатида ушбу технологик амаллар орасидаги кутишлар қабул қилинган (3-расм) ва улар қуйидаги тартибда математик ифодаланган.



3-расм. Юк вагонларини “ўз муддатида” етказишга таъсир этувчи омилларни ифодалаш фрагменти

3-расм асосида техник станцияда вагонлар билан бажариладиган барча технологик операциялар вақт кўрсаткичларини умумий математик кўринишга келтириб оламиз:

$$y = f\{x_1, x_2, x_3, \dots, x_n, z\} \quad (1)$$

бунда $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ – шартли-ўзгармас омиллар; z – тасодифий омиллар.

Алгебраик тўлдирувчи ва минорлар усулидан фойдаланган

ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш элементлари сифатида вагонлар билан йўл давомидаги бажариладиган технологик операциялар қийматлари йигиндиси қабул қилинади. Бунда y фақат бир тўпламдаги тегишли қийматларни олиши мумкин. Мазкур тўплам элементлари қиймати вагонлар билан технологик операциялар бажарилиш вақти давомийлигига боғлиқ ва уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A_{n \times n} = \begin{vmatrix} a_{11} & 0 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & a_{22} & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & a_{33} & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & 0 & \dots & a_{nn} \end{vmatrix} \quad (2)$$

бунда $A_{n \times n}$ – матрица чегараси (бошқа йўналишдаги технологик операциялар қийматларини қабул қилмаслиги учун квадрат диагонал матрица ўлчамида келтирилган); a_{ij} – станцияда бажариладиган технологик операцияларга сарфланандиган вақт миқдорини ифодалайди.

Агар $A_{n \times n}$ юкларни етказиб беришда a_{nn} гача мумкин бўлган йигилма қиймати юкларни етказиб бериш муддатини бажарса, юкларни етказиб беришга сарфланган вақт элементлари эҳтиёжни қондирувчи йигилма деб аталади. Эҳтиёжни қондирувчи юкларни етказиб бериш муддати йигилмаси учун қуйидаги шарт бажарилиши шарт:

$$a_{11} = y_1, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_4 = y_5 = y_6 = y_7 = 1.$$

Алгебраик тўлдирувчи ва минорлар усули қондасига мувофиқ агар бўлса, шарт бажарилади ҳамда

$$a_{22} = y_7;$$


$$a_{33} = \begin{cases} y_2, \text{ бўлса, } y_3 = y_4 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_3, \text{ бўлса, } y_2 = y_4 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_4, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_5, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_4 = y_6 = 1; \\ y_6, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_4 = y_5 = 1. \end{cases}$$

$$a_{44} = y_7;$$

ва ҳ.к., умумий ҳолда

$$a_{nn} = \begin{cases} y_2, \text{ бўлса, } y_3 = y_4 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_3, \text{ бўлса, } y_2 = y_4 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_4, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_5 = y_6 = 1; \\ y_5, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_4 = y_6 = 1; \\ y_6, \text{ бўлса, } y_2 = y_3 = y_4 = y_5 = 1. \end{cases} \quad (3)$$

Мазкур шарт ташилаётган юкни етказиб бориш муддати талабини бажаради, яъни вагонлар билан йўл давомида бажарилаётган технологик операциялар йигиндисини беради. Бунда матрица диаганаллари йиғиндиси матрица изи ҳисобланади. Матрицадаги тоқ устун ва қаторлар туташмаси станциядаги технологик операцияларга сарфланган вақт қийматларини қабул қилади. Матрицадаги жуфт устун ва қаторлар туташмаси поездларни йўл давомида ҳаракатига сарфланган вақт қийматларини қабул қилади. Шундай қилиб, вагонлар билан йўл давомида бажариладиган технологик операциялар қийматлари кетма-кет равишда матрица элементлари билан боғланади. Юкларни етказиб беришнинг технологик жараёнларини математик моделини яратишда вагоннинг йўл давомида сарфланадиган вақтлари шартли равишда 7 та гуруҳга бўлинди (4-расм).



4-расм. Юкларни етказиб беришдаги технологик жараёнларнинг математик моделини яратиш схемаси

4-расмда қуйидаги шартли белгилар қабул қилинган: $y_1 = \sum t_{жўн}$ – юк ортиш фронтдан вагонларни олиб чиқиб, станциядан жўнатишга сарфланадиган вақт, дак.; $y_2 = \sum t_{сар}$ – қайта ишланадиган таркибни тортув йўли орқали тарқатиладиган станцияларда туришига сарфланадиган вақт, дак.; $y_3 = \sum t_{тор}$ – қайта ишланадиган таркибларни саралаш тепалиги орқали тарқатиладиган станцияларда туришига сарфланадиган вақт,

дақ.; $y_4 = \sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.ал}}$ – станцияларда локомотив алмашилишига сарфланадиган вақт, дақ.; $y_5 = \sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.б.ал}}$ – станцияларда локомотив бригадаси алмашилишига сарфланадиган вақт, дақ.; $y_6 = \sum t_{\text{кк}}$ – белгиланган станцияда вагонларни қабул қилишга сарфланадиган вақт, дақ.; $y_7 = \sum t_{\text{уч}}$ – ажратиш пунктлари орасида юришига сарфланадиган вақт, дақ.

Амалдаги “Юкларни ташиш қоидалари”даги биноан юкларни етказиб бериш муддати қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$T_{e.m.} = t_{\text{ж.к.}} + \frac{L_{\text{юк}}}{S_{\text{сут}}} + \sum t_{\text{к.о}}, \text{ сутка} \quad (4)$$

бунда $t_{\text{ж.к.}}$ – юкларни жўнатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ операцияларга сарфланадиган вақт, сутка; $L_{\text{юк}}$ – юк жўнатувчи ва қабул қилувчи станциялар орасидаги масофа, км; $S_{\text{сут}}$ – “Юкларни ташиш қоидалари”га юкнинг суткалик ҳаракат тезлиги меъёри, км/сут; $t_{\text{к.о}}$ – қўшимча амалларга сарфланадиган вақт, сутка.

Алгебраик тўлдирувчи ва минорлар усуллари асосида яратилган юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш модели орқали темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усули такомиллаштирилган


$$T'_{e.б.м} = \left\{ \frac{\sum t_{\text{ж}} + \sum_{i=1}^k (\sum t_{\text{иш}}^{\text{сар}})_i + \sum_{i=1}^m (\sum t_{\text{иш}}^{\text{тор}})_i + \sum_{i=1}^x (\sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.ал}})_i + \sum_{i=1}^z (\sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.б.ал}})_i + \sum t_{\text{к}} + \sum_{i=1}^k (\sum t_{\text{уч}})_i}{24} \right\} + \sum t_{\text{к.о}} \quad (5)$$

(5) ифодага мувофиқ алоҳида ташиш жараёни технологиясини ҳисобга олган ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашнинг алгоритми ишлаб чиқилди ва темир йўл транспортида вагонли жўнатмаларда етказиб бериш муддатини ҳисоблашга доир ЭХМ учун дастур яратилди. Ишлаб чиқилган дастурий таъминот мажмуаси етказиб бериш муддатини меъёрлашда нотўғри ечимларнинг олдини олиш ва йўл давомида вагонлар билан бажариладиган амалларга сарфланадиган вақтларни аниқлаш жараёнларини автоматлаштириш учун хизмат қилган.


Диссертациянинг “Юкларни етказиб бериш муддатларини ҳисоблаш усулининг амалий татбиқи ва иқтисодий самарадорлик натижалари” деб номланган тўртинчи бобида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда юкларни етказиб бериш муддатини ишлаб чиқилган усул асосида ҳисоблаш тартиби келтирилган, юкларни етказиб бериш муддатини нормал тақсимот қонуни асосида меъёрлаш технологияси ишлаб чиқилган, ишлаб чиқилган усулнинг амалий татбиқи бўйича тавсиялар берилган ва унинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Ишлаб чиқилган дастурий таъминот асосида юк ташишнинг турли масофалари учун юкларни етказиб бериш муддатлари ҳисоблари оммавий бажарилган ва олинган қийматлар математик статистика усулида қайта ишланган. Натижада юкларни етказиб бериш муддатларининг ҳисобий

кийматлари нормал тақсимот қонунига бўйсунуши аниқланган (5-расм). Бу таклиф этилаётган темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усулининг ишончлилигини кўрсатган.



5-расм. Юкларни етказиб бериш муддати бажарилишига доир статистик ва ҳисобий маълумотларни тадқиқ этиш натижалари



6-расм. Етказиб бериш муддатини меъёрлашнинг таклиф этилаётган технологияси

Юк ташиш тизимида вагонли жўнатмаларнинг суткалик босиб ўтган масофасини асослаш учун нормал тақсимот қонуни асосида юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш технологияси ишлаб чиқилган (6-расм).


Ҳозирги кунда келгуси давр учун юкларни етказиб бериш муддатини меъёрлаш жараёни жамоавий келишган тартибда вагоннинг суткалик босиб ўтган масофаси меъёрини (охири келишувга асосан 330 км/сутка) белгилаш асосида амалга оширилади.

Таклиф этилаётган технологияда ташишга тақдим этиладиган аниқ бир турдаги юкларни етказиб бериш муддати бажарилишига доир иллюстратив маълумотлар асосида келгуси давр учун турли омилларни ҳисобга олувчи коэффициентни белгилаш орқали вагоннинг суткалик босиб ўтган масофаси меъёрланади. Диссертация ишида станцияда вагонлар билан бажариладиган технологик операциялар ва ташиладиган масофага боғлиқ равишда вагонли жўнатмаларда суткалик босиб ўтиш масофаси меъёрлари тавсия этилди (3-жадвал).

Вагонли жўнатмаларда суткалик босиб ўтиш масофаси меъерининг тавсия этилган қийматлари

Ташиш масофаси, км	Суткалик юриш масофаси меъери, км/сут
200 гача	150
201 дан 600 гача	200
601 дан 1200 гача	250
1201 дан юқори	300

Вагонли жўнатмаларни етказиб бериш муддати меъёрларининг амалдаги ва тавсия этилаётган суткалик босиб ўтиш масофаси қийматлари 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Вагонли жўнатмаларни етказиб бериш муддати меъёрларининг амалдаги ва тавсия этилаётган суткалик босиб ўтиш масофаси қийматлари

Станцияларда технологик операцияларга сарфланадиган вақтни ва юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш самарадорлиги қуйидагилардан иборатдир:

- “ЎТЙ” АЖда етказиб бериш вақтини етарли даражада аниқликда башоратлаш ва бунинг натижасида юкларни кечиктириб етказиб бериш сабабли миждозларга жарима тўлаш билан боғлиқ харажатларини камайтириш;

- темир йўл транспорти тасарруфидаги станцияларда бажариладиган технологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини етарли даражада аниқлик билан ҳисоблаш ва темир йўл инфратузилмаси ташиш жараёнининг технологик имкониятлари ҳисобга олинишини таъминлайди. Шу билан бирга ҳар бир станцияда бажариладиган иш ҳажмини аниқлаш ва олдиндан режалаштириш имконини беради;

- юкларни етказиб бериш муддатини тўғри башоратлаш станцияда бажариладиган иш жараёнида самарасиз вақт йўқотишларини камайтириш ва оқилона ҳаракат режаларини ишлаб чиқишга имкон беради. Бу ўз навбатида, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш шароитларини яхшилайти ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Темир йўл транспортида етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тавсияларни қўллаш натижасида мижозларга юкларни кечиктириб етказиб бериш билан боғлиқ жарима миқдорини камайтириш орқали 429 млн. сўм миқдориди иқтисодий самарадорлик баҳоланган.

Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш юк жўнатувчиларга кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини янада яхшилаш, темир йўл транспорти жозибдорлигини ошириш, вагонлардан самарали фойдаланиш ва темир йўл транспорти рақобатбардошлиги ошишига олиб келади.

ХУЛОСА

“Темир йўл транспортида етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилди:

1. Юкларни белгиланган муддатда ўз манзилига етказиб бериш темир йўлларнинг ташиш шартномасини бажариш бўйича асосий вазифаларидан бири бўлиб, унинг бажарилмаслиги темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчилари олдидаги транспорт хизматлари сифатига катта таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Натижада, темир йўл транспортида етказиб бериш муддатини ҳисоблашнинг мавжуд усулларини тўлдириш, аниқлаштириш ва унификациялаш ишларини бажариш имкони яратилган.

2. Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашда йўл давомида вагонлар билан бажариладиган технологик амаллар орасидаги кутишларга сарфланадиган вақтларни ҳисобга олиш усули оптималлаштирилган. Бу станцияларда поездлар билан технологик амаллар бажарилишида уларга ажратилган меъёрий вақтлардан четга чиқмаслик бўйича тадбирлар режасини ўз вақтида ва асосли тарзда ишлаб чиқиш имконини яратади.

3. Алгебрик тўлдирувчи ва минорлар усуллари асосида юкланган вагоннинг йўл давомида сарфлаган вақтларини тўғри аниқлаш учун юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш модели яратилган. Бу ташишни режалаштириш босқичида юкланган вагоннинг ўз манзилига етиб бориш вақтини етарли даражада аниқлик билан башоратлаш имконини беради.

4. Вагонлар билан бажариладиган барча операциялар кетма-кетлигини инобатга олувчи технологик схема тузиш асосида вагонли жўнатмалар суткалик юриш вақтининг масофага боғлиқлик математик модели ишлаб

чиқилган. Бу темир йўл транспорти иши технологик жараёнлари хусусиятини ҳисобга олган ҳолда юкларни “ўз муддатида” етказишнинг фойдаланиш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш имконини беради.

5. Темир йўл транспортида вагонли жўнатмаларда етказиб бериш муддатини ҳисоблашга доир алгоритм ва ЭХМ учун дастурлар яратилган. Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий таъминот мажмуаси етказиб бериш муддатини меъёрлашда нотўғри ечимларнинг олдини олиш, йўл давомида вагонлар билан бажариладиган амалларга сафрланадиган вақтларни аниқлаш жараёнларини автоматлаштириш учун хизмат қилади.

6. Юк ташиш тизимида вагонли жўнатмаларнинг суткалик босиб ўтган масофасини асослаш учун нормал тақсимот қонуни асосида етказиб бериш муддатини меъёрлаш технологияси ишлаб чиқилган. Натижада вагонли жўнатмаларда ташиш масофасига боғлиқ равишда суткалик юриш масофасини меъёрлаш таклиф этилган: 200 км гача бўлган масофада 150 км/сутка, 201 км дан 600 км гача бўлган масофада 200 км/сутка, 601 км дан 1200 км гача бўлган масофада 250 км/сутка, 1201 км дан юқори бўлган масофаларга 300 км/сутка қабул қилиш тавсия этилган.

7. Темир йўл транспортида етказиб бериш муддатини ҳисобга олган ҳолда юк ташишни ташкил қилиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тавсияларни қўллаш натижасида мижозларга юкларни кечиктириб етказиб бериш билан боғлиқ жарима миқдорини камайтириш орқали 429 млн. сўм миқдорда иқтисодий самарадорлик баҳоланди. Таклиф этилаётган тавсияларни жорий қилиш, темир йўл участкаларининг техник жиҳозланишини инобатга олган ҳолда, ташиш жараёнида поездларни асосланган самарали қайта ишлаш ечимларини олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БАРОТОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ОРГАНИЗАЦИИ
ГРУЗОВЫХ ПЕРЕВОЗОК С УЧЕТОМ СРОКА ДОСТАВКИ НА
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/T1209.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Кобулов Жамшид Ренатович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Арипов Назиржан Мукарарович
доктор технических наук, профессор

Махкамов Нурмухаммад Янгибоевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «17» 10 2020 г. в 13:30 часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, Ташкент, Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер – 014). (Адрес: 100167, Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66).

Автореферат диссертации разослан «09» 10 2020 года.
(протокол реестра № 015 от «09» 10 2020 года).



А.Н. Адилходжаев

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов

Заместитель секретаря научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировых транспортных сетях привлечение дополнительных грузопотоков, увеличение скорости доставки грузов в установленное время при обеспечении их сохранности, совершенствование технологии грузовых перевозок, а также качественное обслуживание физических и юридических лиц, использующих транспортные услуги играют ведущую роль. В развитых странах, в том числе на транспортных магистралях и в местных отраслях таких государств, как США, Великобритания, Германия, Франция, Япония, Китай, Россия и в других странах, большое внимание уделяется разработке методов совершенствования технологии перевозок с учётом факторов, оказывающих влияние на доставку грузов точно в срок. В связи с этим, особое внимание уделяется на безусловное удовлетворение потребностей народного хозяйства в перевозках грузов на железнодорожном транспорте, ускорению оборота вагонов в процессе перевозок и совершенствованию технологии контроля сверхнормативных простоев груженых вагонов в пути следования, а также разработке методов нормирования затрат времени на технологические операции на станциях и срока доставки грузов.

В мире осуществляются научно-исследовательские работы по совершенствованию методов организации технологических процессов грузовых перевозок и развитию транспортных услуг, анализу и контролю сроков доставки грузов на железнодорожных участках и направлениях. Одной из важных задач в этом направлении является систематизация условно-постоянных и случайных факторов, оказывающих влияние на сроки доставки грузов железнодорожным транспортом, совершенствование технологии организации процессов грузовых перевозок на основе нормирования затрат времени на все операции, выполняемые с вагонами в пути следования, разработка программных обеспечений расчёта срока доставки грузов с учётом технических возможностей инфраструктуры. В то же время необходимо разработать математические модели взаимосвязи суточного пробега вагонов с расстоянием перевозок на основе методов математической статистики для своевременного и обоснованного сокращения времени простоя вагонов между технологическими операциями.

В Республике осуществляются мероприятия по развитию транспортной отрасли, в том числе разработка технологий организации грузовых перевозок, позволяющих повысить экспортно-импортные потенциалы и привлекательность железнодорожного транспорта. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 г, кроме того, указаны задачи по «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращению ресурсоемкости экономики, ... широкое привлечение в производство энергосберегающих технологий, ... осуществления целевых программ по развитию дорожно-транспортных, инженерно-коммуникационных и социальных инфраструктур, а так же их

